

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

**“ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ИШТИРОКИДА
РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**



Бухоро 2020



<i>insonning o'рни va roli</i>	
САЛИМОВА О. Фуқаролик маданияти баркамол инсон фазилати	539
КҲШАЕВ И.А. Куйлаш фаолияти мазмуни	540
ШОМУРОДОВ О.Н. Эстетик тарбиянинг таркибий қисмлари	543
НУРУЛЛОЕВ Л.Л. Талаба ёшларда фуқаролик маданиятини шакллантириши омиллари	545
БОТИРОВ Ж. Синфдан ташқари манежлорларда нафосат тарбиясини амалга ошириши йўллари	546
АЗИМОВА Н. Э., ЖАББОРОВА Ф. Оилавий тарбияда меҳнатнинг роли.	548
ЖАББОРОВ Б.И. Акмеологические технологии и их роль в повышении качества образования	550
ГУЛБОЕВ А.Т., НАСИМОВА З.И. Здоровье учащихся как ценность и условие повышения качества образования	552
RAMAZONOV SH., RO'ZIMURODOVA Z. Talabalar madaniyatni rivojlantirishda xalq badiiy hunarmandchiligi va amaliy san'atining ahamiyati	553
XUDOYQULOVA G. Bo'lajak mutaxassislarda kasbiy madaniyatni shakllantirishning psixologik jihatlari	556
МУРАДОВА М.Р. Абӯ Али Ибн Синонинг саломатлик психологиясига оид қараишлари	557

беради. Яхши ривожланган эстетик дид гузаллик ва хунукликни тугри идрок этиш имконини беради.

Шундай килиб, эстетик хиссиёт, идрок этиш, дид бизнинг борликка булган муносабатимизнинг бузилмас бирлигини ташкил этади. Ана шу бирликнинг натижаси уларок, огзаки ва ёзма шаклда ифодаланадиган мулохаза пайдо булади.

Эстетик мулохаза юритиш деганда нарса ёки ходисани ва инкор этишни тушунамиз. Эстетик мулохаза юритиш натижасида эса эстетик баҳолаш келиб чикади. Эстетик баҳолашда идрок этиладиган предмет ва ходисаларга муносабатимиз акс этади. Эстетик баҳолаш купинча идрокнинг, айникса чукур кечинмаларнинг бевосита натижаси сифатида намоён булади. Бирок уни хайратланиш, ажабланиш, мафтун булиш, завкланиш, гамгинлик, ғазаб ва бошқа шу каби хис-туйгуларда ифодаланувчи киска вақтли реакциялардан фарқлай билиш керак. Эстетик баҳолашга тушуниб этишнинг натижаси деб қараш лозим. Биз қўй эшитиб турадиган, одатдаги «менга ёқади» ёки «менга ёқмайди» каби сузлар ҳам реал булмаса-да, баҳолаш ҳисобланади.

Хулоса килиб айтганда, эстетик тарбиянинг биз юкорида шарҳлаб утган таркибий қисмларини билиш расм қизиш машғулотларида эстетик тарбияни тулақонли амалга ошириш имконини беради. Эстетик тарбия – янги кишини шакллантиришнинг энг зарур шarti ва муҳим воситаларидан, бинобарин, мамлакатимиздаги мафкуравий ишнинг масъулиятли жабҳаларидан биридир. Инсонни эстетик руҳда тарбиялаш, уларда юксак бадиий дид ва маданий қўникмаларни шакллантириш ҳақидаги гамхурлик қилиш энг муҳим вазифалардандир.

ТАЛАБА ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Л.Л.Нуруллоев

Ҳарбий таълим факултети ўқитувчиси

Фуқаролик маданияти инсоннинг маънавий етуқлиги ва таълим-тарбия қўрганлигини англатувчи педагогик категория ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун, хусусан, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни учун аҳамиятлидир. Чунончи, фуқаролик маданияти шахсдаги инсоний фазилатларни, кадр-қимматни, иймон-этикодни оширувчи таълим-тарбиянинг меваси ва ақл суянчиги, маънавийли инсоннинг шаъни ва ҳикматидир. Шунинг учун ҳам у - Ватанга, жамиятга, меҳнатга, тилга, урф-одатга, тарихга бўлган муносабатларда, ҳатти-ҳаракатларда, ҳулқ меъёрлари ва қоидаларида ифодаланувчи ҳодиса ҳисобланади.

Қайд этиб ўтилган хулосаларга асосан таъкидлаш мумкинки фуқаролик маданиятини шакллантириш бу – талаба ёшлар дунёқарашида мустақил жамият ғояларини сингдириш, уларда ўз-ўзининг сиёсий онглилигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг моддий ва маънавий бойлиги ҳисобланмиш миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик фазилатларини таркиб топтириш, Ватани, халқи,

миллати манфаатларини ўз манфаатидан устун кўя олиш, аجدодларимиз яратган маънавий меросни теран англаш, уни асраб авайлаш, кўпайтириш, ўзида ватанпарварлик, ўзлигини англаш хис-туйғуларини таркиб топтиришга қаратилган педагогик жараёндир.

Шахс фуқаролик маданиятининг асосини унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маданий-маърифий тайёргарлиги ва рухий индивидуал сифатлари ташкил этади. Зеро, шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда олға сурилган ғоялар, илмий дунёқараш, тараккиёт омилини давр талаблари нуктаи назаридан ўрганиш ва ўзлаштириш давлат рамзлари билан фахрланиш ҳар бир ёшнинг фуқаролик бурчи эканлигини англаб олишга ундайди. Инсоннинг маданий-маърифий тайёргарлиги эса муайян мамлакатнинг фуқароси сифатида давлат, халқ, ўз оиласи олдидаги бурчи, масъулияти, мажбурияти, ҳақ-ҳуқуқларини теранроқ англашга ва фуқаролик ғурури, онги, тафаккурини ривожлантириб инсонпарварлик, ватанпарварлик, довураклик, интизомлилик, ишбилармонлик каби рухий-индивидуал сифатларининг шаклланишига кўмаклашади. Шу асосда фуқаролик жамияти ёшлари учун энг зарур ва истикболли фазилатларни англаб етиш ва уларни ўзида тарбиялаш имкониятиларини яратади. Бунинг учун:

- давлат рамзлари (конституция, байроқ, тамға, мадҳия ва х.к.), фуқаролик кодекси, жамият принциплари, қонун-қондаларини чуқур билиб олиш;

- бурч масъулият, мажбурият, ижтимоий муносабатларнинг моҳият-мазмунини англаш;

- ўзида фуқаролик онги, тафаккури, тасаввури, эътиқодини таркиб топтириш;

- шахсий-индивидуал сифатларининг ижобийларига эга бўлиш каби хусусиятларга таяниш талаб этилади.

Шундай қилиб, фуқаролик маданияти тузилмаси - шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маданий-маърифий тайёргарлиги, рухий-индивидуал сифатларидан иборат бўлиб, у мустаҳкам ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлиш, маданий кўникма ва малакалар бирлигига эришиш, фуқаролик ҳуқуқлари, муносабатларни эгаллаш, жамият томонидан қабул қилинган фуқаролик кодекси, қоида ва принципларига қўндалик ҳаётда риоя қилиш, оилада, маҳаллада, жамиятда инсоний ҳуқ-оқиб, интизоми асосида фаолият кўрсатиш риоя қилиб, мамлакатни, миллатни раванг топтиришга ўз ҳиссасини қўшиш, масъулият, иймон, эътиқод каби фазилатларга эга бўлиб, инсонпарварлик, ватанпарварлик, интеллектуал салоҳиятни ўзида таркиб топтириш демакдир.

СИНОДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА НАФОСАТ ТАРБИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ Йўллари

Ж.Ботиров БухДУ

Мамлакатимиз келажакини барпо этувчи ёшларни тарбиялаш жараёни олдида турган долзарб ва кизиқарли муаммолардан бири – бу дарсдан